

**МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ВА ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАРҒИБ
ҚИЛИШ**

Тангирбергенова З.

*Ажсиниёз номидаги НДПИ
«Тарих ўқитув методикаси»
кафедраси ассистент
ўқитувчиси*

Маънавият-инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзаллик, севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлар ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуасидир. Маънавият манбалари сифатида муқаддас «Авесто», ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим, Ҳадислар, Қобуснома, Зафарнома, Бобурнома, Темурнома, Шайбонийнома, Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Баҳовуддин Нақшбандий тариқатлари, Абу Наср ал-Фаробийнинг фалсафий қарашлари, Амир Темур ўғитлари ва бошқа юзлаб асарлар маънавият ва маърифат орқали кишилар онгига сингдирилган. Демак, халқимиз азалдан маънавият ва маърифатга интиланган. Бу бебаҳо маънавият масканларини, маданий ёдгорликларни, удум ва қадриятларини кўз қорачиғидай сақлаб келганлар. Нафис ва бетакрор обидаларни, меъморчилик намуналарини аجدодлардан авлодларга мерос сифатида ўтказиб, келганлар.

Маънавиятнинг таркиб топиши халқимизга хос урф-одат ва маросимларда, халқ удумларида ҳам ўз аксини топган. Урф-одат ва маросимлар, удумларимиз инсонларда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, баркамоллик, инсонийлик, камолот, эътиқод каби ҳаётий кўникмаларни шакллантирган. Одатларимизга халқ ўйинлари, ашулалар, лапарлар айтиш, кўпкари, кураш мусобақалари, ҳашар, фотиҳа маросимлари, ҳайит, совчилик, худойи, хайр - садақа, ибодат ва бошқалар халқ маънавиятнинг ёрқин намуналари сифатида катта тарбиявий аҳамиятга эга. Маънавият ва маърифат ни бир-бирдан ажратиш асло мумкин эмас. Маънавият бирламчи, маърифат иккиламчи дейиш ҳам ўринсиз. Алломаларимиз таъкидлаганларидек, «Нажот маърифатдадир». Умуминсоний маънавият билан умуминсоний маърифат муштарак бўлганда жамият янада юксалади.

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILMU-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Юксак маънавиятли бўлишни орзу қилган инсон умуминсоний маънавий хислатларга ҳам эга бўлиши зарур. Маълумки, жамиятда яратувчиликнинг икки тури мавжуд. Биринчиси моддий яратувчанлик бўлса, иккинчиси маънавий яратувчанликдир. Маънавий яратувчанлик маърифат орқалидир. Жамиятнинг етуклиги маънавиятнинг юксак даражасига боғлиқ. Улар инсон истеъдодининг турли соҳалари: меҳнати, ҳатти-ҳаракати, қобилияти, ватанпарварлиги, миллат учун жонкуярлиги, ақл идроки орқали намоён бўлади. Бошқаларга таъсир қилиб, уларни ҳам бойитади. Инсон ўзаро икки унсур маънавият ва маърифатдан қувват олади. Инсонлардаги одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, яхшилик, меҳнатсеварлик, байналмилаллик, инсонпарварлик, дўстлик, ахлоқ каби маънавий мезонлар она қорнида шаклланмайди. Гарчанд бу хислатлар тарбия орқали, ўқиш, ўрганиш, хуллас жамият, умуман ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади.

Маънавият фалсафий тушунча сифатида, халқимиз онгига эндиликда чуқур сингиб бормоқда. Тарихдан маълумки, маърифат, илм соҳасида ва унинг мазмуни, таъсири, аҳамияти тўғрисида буюк алломалар ҳамиша халқ эътиборини ўзига қаратганлар. Масалан, Абу Наср Форобийнинг «Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шубҳа йўқ, илмдан тирикдир инсон, машаққат, меҳнатни енгади инсон», Абу Ҳамид Ғаззолийнинг «Маърифатнинг энг Юқори даражаси инсоннинг ўзини ва мартабасини билишидадир», Юсуф Хос Хожиб «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар», каби фалсафий фикрлари бежиз айтилмаган. Бас, шундай экан, энди маърифатпарварлик ўзи нима? Унинг маънавиятга таъсири ва муносабати қандай деган саволга жавоб топмоёмиз зарур. Ўзбек халқи урф-одатлари, қадриятлари ўзига хос нозиклик билан шаклланганки, уларда узоқ вақт жараёнида маънавият ва бошқа инсоний хислатлари устувор бўлиб келган. Бу фазилатлар асрлар оша бизгача етиб келган ва бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Шу сабабли ота-она ва фарзандлар ўртасида ижобий муносабатлар, ўз аро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат маънавиятнинг асосини ташкил этган. Отананинг фарзанд олдидаги бурчлари қуйидагилар, яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, уйли – ҳовли жойли қилиш. Бу хусусият соҳибқирон Амир Темур фаолиятида яққол кўзга ташланади. «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насли-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолатини аниқладим. Келин бўлмиш

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

насли-насибаси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина эл-юртга ката тўй-томоша бериб, келин туширдим», - дейди. Бугунги кунда маҳалла давлат бошқарувининг дастлабки бўғини сифатида, халқимизнинг, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда. Маҳаллаларда болаларнинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари доимо кўни-қўшнилар назоратида бўлиши, бунда айниқса,бой, ҳаётий тажрибага эга бўлган оила бошлиқлар, катталарнинг кўрсатмалари билан иш тутиш талаб этилмоқда. Ёшларда миллий ғурур, ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, миллий кадриятларимизга ҳурмат ҳиссини шакллантириш барчамизнинг муриим вазифамиздир. Бунинг учун маҳалла кўмиталари, фуқаролар йигинларининг, хотин-қизлар кенгашларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича олиб бораётган фаолиятини знада такомиллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: 1)оила-маҳалла-мактаб дастурини амалга оширишда маҳалла маъмурияти, фуқаролар йигинлари, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла фаоллари билан биргаликда, тарбияга оид масалаларни ечишда мактаб маъмуриятига яқиндан кўмаклашишни кучайтиришимиз зарур.

2) маҳаллаларда ҳуқуқий тарбияни кучайтириш зарур. Тарбияси огир, мактабдан, таълим-тарбиядан ажралиб қолган ёшларни мактабга жалб этиш, кўр-кўрона пул топиш илинжида орган болалар ва уларнинг ота-оналари билан жамоат жойларида, маҳаллаларда, ҳуқуқ-тартибот, адлия орган лари вакиллари иштирокида суҳбатларни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

3)таълим-тарбия ишларида миллий урф-одатларга эътиборни кучайтириш зарур. Чунки ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий хусусиятлари авваламбор тарбия орали амалга оширилади.Бу эса миллатимиз обрўси ва нуфузини дунё миқиёсида оширишг схизмат қилади.

4) маҳалла ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари иш тажрибаларини, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш, маҳалланинг нуфузини халқаро миқиёсда тарғиб қилиш, чет эллик олимлар ва мутахассисларни Ўзбекистонда маҳаллалар иш тажрибаларини ўрганишга жалб этиш зарур деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008..
2. Каримов И. Миллий истиклол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент, 2000
3. Абдусамедов. А Ислом дини асослари ва маънавияти. Ташкент.2007 ж